

ШИФОХОНАДАН ТАШҚАРИ ПНЕВМОНИЯ БИЛАН ОҒРИГАН ҲОМИЛАДОРЛАРДАН ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРИДА КИСЛОТА- ИШҚОР МУВОЗАНАТИ ВА ҚОННИНГ ГАЗ ТАРКИБИНИ ЎРГАНИШ

Акрамов Б.Р., Матлубов М.М.

Самарқанд давлат тиббиёт университети, Самарқанд, Ўзбекистон

Долзарблиги. Ҳомиладор аёллар организмидаги ўзгаришлар ҳомилада ҳам ўз аксини топиши бир нечта илмий кузатувларда аниқланган. Ҳомиланинг кислород билан таъминланиши она қонининг етарли даражада кислород билан таъминланишига ва онанинг юрак қисқариш ҳажмига боғлиқ. Ондаги гипоксемиянинг ҳар қандай этиологияси ҳомилада оксигенацияни бузиши мумкин. Ҳар қандай этиологияли пневмонияда ондаги гипоксемия ёки ацидоз ҳомиланинг кислород билан тўйинишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ишнинг мақсади. Шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган аёлларга кесар кесишда ўтказилган анестезиянинг ва улардаги нафас етишмовчилигининг янги туғилган чақалоқларида кислота-ишқор мувозанатига ва қоннинг газ кўрсаткичига таъсирини ўрганиш.

Тадқиқот материали ва текшириш усуллари. Янги туғилган чақалоқларнинг эрта постнатал даврида кислота-ишқор мувозанати ва қоннинг газ кўрсаткичи 2014-2024 йилларда СамДТУ кўптармоқли клиникасида, вилоят перинатал маркази ва 3-сон туғруқ комплексида ҳар хил этиологияли шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган оналардан абдоминал (режали ва шошилиш равишда) йўл орқали туғилган 33 нафар чақалоқларда ўрганилди. Янги туғилган чақалоқлар оналарига кесар кесиш учун ўтказилган оғриқсизлантириш усулига ва уларда ривожланган нафас етишмовчилиги ва пневмониянинг оғирлик даражасига кўра 3 та гуруҳга бўлиб ўрганилди. Нафас етишмовчилиги ривожланмаган пневмония фонида спинал анестезия (СА) ва эпидурал анестезия (ЭА) (I гуруҳ) (n=11), I даражали нафас етишмовчилиги ривожланган оғир даражали пневмония фонида ноинвазив ўпка вентилляцияси (НИЎВ) мусбат РЕЕР босими билан комбинациялашган анестезия (II гуруҳ) (n=11), II даражали нафас етишмовчилиги ривожланган пневмониянинг оғир кечишида умумий кўп компонентли анестезия (УКА) ўпканинг сунъий вентилляцияси (ЎСВ) билан (III гуруҳ) (n=11). Туғилган 33 та чақалоқларнинг киндик тизимчасидан олинган қон таркибидаги кислота-ишқор мувозанатини ва қоннинг газ кўрсаткичини SIMENS-348 (Германия) ускунаси ёрмида аниқланди. Олинган маълумотлар Стъудент услуги орқали статистик ишлов бериш билан амалга оширилди, кўрсаткичларнинг ишончилиги $p < 0,05$ билан белгиланди.

Текшириш ва унинг натижалари. Қоннинг газ таркиби ва ВЕ метаболик кўрсаткичи ЭА ва СА шароитида туғилган (1 гуруҳ) чақалоқларда, мусбат РЕЕР билан НИЎВда ЭА ва СА варинатларини қўллаш билан туғилган (2-гуруҳ), ҳамда, СЎВда УКА билан (3-гуруҳ) туғилган чақалоқлардан ишончли фарқ қилди. 1 -гуруҳда киндик қонида pCO_2 $41,2 \pm 1,1$ мм.сим.уст.ни ташкил этди, шу вақтда 2-гуруҳда – $45,8 \pm 0,41$ мм.сим.уст, 3-гуруҳ чақалоқларида эса $49,6 \pm 0,21$ мм.сим.уст ($p < 0,05$)ни ташкил этди. Барча ўрганилаётган гуруҳларда кислород парциал босимининг физиологик кўрсаткичлардан пасайиши кузатилди, бироқ, 2-чи ва 3-гуруҳ чақалоқларида сезиларли даражада ишончлироқ пасайиши кузатилди. 3-гуруҳ янги туғилган чақалоқларда ВЕ метаболик кўрсаткичи $-8,4 \pm 0,42$ мэкв/л ни ташкил этди, 1-гуруҳ болаларида – $5,3 \pm 0,24$ мэкв/л, 2-гуруҳ болаларида $-7,8 \pm 0,21$ мэкв/л ($p_2 < 0,05$)ни ташкил этди. Киндик қонидаги рН кўрсаткичидаги фарқлар ишончли характерда бўлди. Шундай қилиб, барча ўрганилаётган чақалоқлар гуруҳида гипоксия, гиперкапния, метаболик ацидоз аҳамиятли даражага эга бўлди, аммо, бу белгилар СЎВ илан УКА қилинган шароитда туғилган чақалоқларда яққолроқ намоён бўлди (3-гуруҳ). ЭА ва СА шароитида туғилган чақалоқларда КИМ ва қондаги газ таркиби кўрсаткичи қиёсий баҳоланганда, табиий йўл орқали туғилган чақалоқлар кўрсаткичларидан фарқ қилмади.

Хулоса. Шундай қилиб, ЭА ва СА ҳар хил этиологияли пневмония билан оғриган ўткир нафас етишмовчилиги ривожланмаган аёлларда кесар кесиш жаррохлиги орқали туғилган чақалоқлар КИМ ва қон газ таркибига минимал таъсир кўрсатди, I ва II даражали нафас етишмовчилиги ривожланган пневмониянинг оғир кечишида FiO_2 -80-100% кислород етказиб берилишига қарамай 3 гуруҳда УКА ЎСВ орқали туғилган чақалоқларда КИМ ва қондаги газ таркиби кўрсаткичи пастлигича қолди. УКА дори воситаларининг таъсиридан ташқари, оналардаги пневмониянинг оғир кечиши туфайли юзага келган оғир нафас ва юрак етишмовчилиги, бачадон-йўлдош қон айланишининг бузилиши чақалоқларнинг оғир гипоксия, гиперкапния, метаболик ацидоз билан туғилишига олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ashurova, G. Z., and E. A. Satvaldieva. "Diagnosis of Protein-Energy Deficiency: The Role of Total Protein and Transferrin in the Blood." *International Journal of Scientific Trends* 3.5 (2024): 1-5.